Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 3 июнь чоршанба

Сотувда эркин нархда

№ 111 (1892)



## МАМЛАКАТ ЭВЕРЕСТ ҚАҲРАМОНЛАРИНИ КУТИБ ОЛМОҚДА

***Маълумки, шу йил 22 майда Ўзбекистон альпинистлари Эверест чўққисини забт этган, Ўзбекистон Давлат байроғини ер юзидаги энг баланд чўққига ўрнатиб, ўзбек халқи номини абадий ёзиб қолдирган эди. Ўзбекистон Президенти альпинист спортчиларимизни бу ютуқ билан табриклаб, уларнинг эсон-омон Ватанга қайтишларини тилаган эди.***

Кеча альпинистлар Ўзбекистонга қайтиб келишди. Аэропортда уларни пойтахт жамоатчилиги, оммавий ахборот воситалари ва Давлат спорт қўмитаси вакиллари миллий қаҳрамонлар сифатида кутиб олдилар.

Альпинистларимиз ҳақиқатан ҳам жасорат кўрсатишди. Май ойида ўтказилган 12 давлатнинг 15 экспедициясидан фақат бизнинг спортчиларимизгина юк ташувчиларнинг анъанавий ёрдамидан фойдаланмай, 11 кишидан иборат тўла таркибда чўққини забт этишди. Мана, бу қаҳрамонлар билан танишинг: чўққига биринчи бўлиб кўтарилиб, у ерга мустақил Ўзбекистон давлат байроғини ўрнатган Рустам Ражабов, Олег Григорьев, Алексей Докукин, Сергей Соколов, Ханиф Балмагамбетов, Илёс Тухватуллин, Андрей Фёдоров, Марат Усаев, Роман Мац, Андрей Заикин ва Светлана Баскакова.

Альпинистларнинг қайтиб келишига бағишланган митингда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши раиси Дилбар Жаҳонгирова, АҚШнинг Ўзбекистондаги Муваққат ишлар вакили жаноб Жозеф Лимпрехт, спорт фахрийси Пётр Карпов сўзга чиқди.

Республика Давлат спорт қўмитаси раиси Баҳодир Махситов альпинистларни ватанимизга қайтиб келгани билан табриклаб, бу улкан воқеа Ўзбекистон терма командасининг жаҳон альпинизми сардорлари қаторига қўшилишига имкон берганини таъкидлади. Эверест чўққисига ўрнатилган байроқ эса, альпинистларнинг Ватанимиз мустақиллигининг 7 йиллигига ажойиб совғасидир.

**(ЎзА)**

АЙЛАНАДИ СОАТ МИЛЛАРИ

СЕШАНБА ХАБАРЛАРИ

● АКС-САДО

## ҚОНУН ЭЗГУЛИК ТОМОНДА

*— Олий Мажлиснинг XI сессиясида янги таҳрирда қабул қилинган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунни синчиклаб ўқиб чиқдим. Хулосам шу: бизда дин ва эътиқод тушунчалари чекланмаяпти. Юрт тараққиёти, элимиз келажаги, бахт-саодатли кунлари учун қилинган барча саъй-ҳаракатлар замирида эзгулик ётибди. Дин эзгулик томонда. Уни улуғлайди. Фарзандларимизнинг баркамол ўсиши, юртда тинч-тотув кунларнинг барқарорлиги билан гўзал торт-ган кишилар чиройли ва улуғ жамият барпо этадилар. Бугун Ўзбекистонимизда инсон ва жамият орасидаги муносабатлар ҳар жиҳатдан қонуний равишда шаклланаяпти. Бу яхши. Ана шу нуқтаи назар билан ёндашиб, виждон эркинлиги хусусида фикр билдирсак, кўп нарса ойдинлашади. Дин яхши йўлга бошлайди, уни фақат тоза кўнгил билан англаш керак.*

**Хушбоқ ХОЛЛИЕВ,**
**Қумқурғон тумани марказий шифохонаси бош врачи.**

● ЭШИТДИНГИЗМИ?

## АВТОМОБИЛЬ ЭГАЛАРИГА ҚУЛАЙЛИК

*— Қорақалпоғистоннинг Хўжайли шаҳрида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган «Дамас», «Нексия», «Тико» автомашиналарига техник хизмат кўрсатадиган автосервис қурилиши бошланди, — деб ёзади мухбиримиз Ҳ. Абдусодиқов. — Қуйи Амударёнинг чап қирғоғи туманлари ва шаҳарларида истиқомат қилаётган автоҳаваскорлар учун мўлжалланган бу корхона қошида меҳмонхона, эҳтиёт қисмлар дўкони, қаҳвахона ва бошқа хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳам қурилади.*

*Оролбўйи минтақасидаги ушбу йирик мажмуа мамлакатимиз мустақиллигининг етти йиллиги байрам қилинадиган кунгача қуриб битказилади.*

● АНЖУМАН

## ЎТМИШ БИЛАН ТИЛЛАШУВ

*Архивнинг қадрини иши тушган одам билади. Неча йиллик ҳужжатни тиклаш умиди билан архившуносларга мурожаат қилган бир танишимиз: «Буларнинг мияси компьютердан ҳам зўр экан. Отамнинг ишига оид маълумотларни сўраганимда бир зум ўйланиб турди-ю, беш дақиқада керакли ҳужжатларни муҳайё қилди», деб айтганида ҳақ эди. Айниқса, йиғма жилдлар рўйхати тўғри ва батартиб тузилган ташкилотларда ҳужжатларнинг тартиби ҳам, таркиби ҳам сифатли бўлади. Бу борада республика давлат архиви бўлинмаларида кўпгина ибратли ишлар амалга оширилмоқда.*

*Яқинда республика давлат архиви Қашқадарё вилояти бўлимида вилоят архивчиларининг «Ташкилот, муассаса ва корхоналарда иш юритиш ҳамда архив ишларини назорат қилиш» мавзусидаги амалий анжумани бўлиб ўтди.*

*Унда вилоятдаги муассаса ва корхоналарда иш юритиш қонун-қоидалари, ҳужжатларни расмийлаштириш, корхоналардаги иш юритувчи ходимлар, Эксперт ҳайъатлари иши, иш юритишни такомиллаштириш ва бошқа масалалар юзасидан фикр юритилди.*

*Кейинги уч йилда давлат архивларида муддати ўтган ҳужжатлар илмий-техник қайта ишланди. Қишлоқ хўжалик, суд, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, молия, прокуратура ва маҳаллий органлар, матлубот жамиятлари, нотариал идоралар ва бошқа ташкилотлар сақловхоналарида ишланмай ётган ҳужжатлар тартибга келтирилди. Анжуманда ана шундай ютуқлар билан бирга камчиликлар ҳам таъкидлаб ўтилди.*

**Раҳмон АЛИ.**

● ДАВЛАТ НАЗОРАТИ

## «ТОЗА ҒИШТ» ТОЗА БЎЛАДИ

*«Ўзбекистон бинокорлик материаллари» концернига қарашли «Тоза ғишт» хусусий корхонаси маҳсулотларининг сифати текширилганда 75 маркали ғиштнинг сопол-пластик қолипи ташқи кўриниши билан ҳам стандарт талабларига жавоб бермаслиги аниқланди. Бундан ташқари, маҳсулот куйиб кетган, ғишт тайёрловчилар унга тамға босишни ўйлаб ҳам кўришмаган, ўз маҳсулотини сертификациялаш муддатини узайтиришни ҳам унутиб қўйишган экан. Бу нуқсонлари учун корхонага 356,3 минг сўм жарима солинди.*

*Бундай чоралардан сўнг ғишт пишириладиган печ, ғишт қуритиш туннели ва пресс таъмирланди, маҳсулотга тамға босиладиган бўлди. «Ўздавстандарт» қўйган барча талаблар бажарилди. Ниҳоят маҳсулотни сотишга рухсат берилди. Ҳаммаси яхши бўлди. Лекин етган зарар қайси йўл билан қопланди экан?..*

Телефонларимиз: 133-15-22, 133-52-55, 133-07-48, 136-37-85

Соат милларини Ойбек РАҲИМ кузатди.



Шодияхон Абдуллаева Тўрақўрғон туманидаги «Ахсикент» ўзбек-турк қўшма корхонасининг қўли гул чеварларидан. У тиккан эркаклар ва болалар кийимлари сифатли ва харидоргирлиги билан ажралиб туради.

Шодияхон меҳнат қилаётган корхонада ҳозирда ўн саккиз турдаги кийим-кечаклар «Ахсикент» ёрлиғи билан савдога чиқарилмоқда.

**СУРАТДА: чевар Шодияхон Абдуллаева.**
**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## ПИЛЛАКОРЛАР ЗАФАРИ

**Бухоро вилояти "кумуш тола" ижодкорлари 2025 тонна пилла топшириб, шартнома режасини ортиғи билан бажардилар. Олот, Ромитан, Коғон, Бухоро, Жондор, Ғиждувон, Қоракўл туманлари ипак тола усталари бу муваффақиятга салмоқли ҳисса қўшди. Илғор хўжаликларда ҳар қути уруғдан 60-65 килограммгача ҳосил олишга эришилди.**

**Вилоятда пилла топшириш давом этмоқда.**

* * *

**Жиззах вилояти пиллакорлари ҳам маррага етди. Қабул пунктларига 362 тоннадан зиёд қимматли саноат хомашёси топширилди. Бунда Жиззах, Дўстлик, Пахтакор ва Зафаробод туманлари пиллакорларининг улуши катта бўлди.**

**Вилоят пиллакорлари ялпи хирмонни 400 тоннага етказишга ҳаракат қилмоқдалар.**

* * *

**Андижон вилоятининг Бўз ва Улуғнор туманлари пиллакорлари зафар қучди. Бўзликлар қабул пунктларига 87 тонна, улуғнорликлар эса 48 тоннадан зиёд "кумуш тола" топширди.**

**(ЎзА)**

## МДҲ: ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШ — УМУМИЙ ВА ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

**Тошкентда бошланган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ички ишлар вазирлари кенгашининг навбатдаги мажлисида Ўзбекистон ички ишлар вазири З. Алматов МДҲ мамлакатлари ички ишлар вазирлари кенгашининг раиси этиб сайланди. Бу Ўзбекистон раҳбариятининг мамлакатда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш борасида амалга ошираётган ишларининг Ҳамдўстлик миқёсида эътироф этилишидир.**

Жиноятчиликка қарши биргаликда курашиш масалаларига бағишланган мазкур анжуманни Ўзбекистон ички ишлар вазири З. Алматов очди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, МДҲ мамлакатлари ҳукумат раҳбарлари кенгаши раиси Ў. Султонов сўзга чиқиб, жиноятчиликка қарши кураш борасида юртимизда кўпгина ижобий натижалар қўлга киритилгани, ушбу муаммо республика раҳбариятининг доимий диққат марказида турганини қайд этди. Хусусан, Президент Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" китобида ушбу иллатга қарши курашнинг долзарб ва муҳимлиги алоҳида таъкидланганди. Шунингдек, МДҲ доирасидаги иқтисодий интеграциянинг ривожланишида Ҳамдўстлик мамлакатлари ҳуқуқ-тартибот органларининг ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этиши ҳам қайд этилди.

Ҳамдўстлик доирасида иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ҳақида сўз кетганда, жиноятчиликка қарши биргаликдаги кураш масаласини эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Зеро, МДҲга аъзо айрим мамлакатларда ҳозир жиноятчиликнинг қамрови тобора кенгайиб, ҳаётнинг турли жабҳаларига кириб бормоқда. Шу боис, айниқса, наркобизнес, қурол-яроғ контрабандаси ва бошқа турдаги ўта хавфли жиноятчиликка қарши биргаликда курашиш бугунги куннинг долзарб вазифасига айланган.

Ҳозирги кунда жиноятчиликка қарши курашнинг нечоғли муҳим вазифа эканини шундан ҳам билса бўладики, баъзи МДҲ мамлакатлари ҳудуди орқали наркотик моддалар ва қурол-аслаҳа ташилмоқда, жиноий йўллар билан топилган даромад қонунийлаштирилмоқда, жиноятчилар айрим давлатларда ҳокимият ишига ҳам аралашмоқда. Эътироф этиш керакки, аҳвол шу тарзда давом этаверса, уюшган жиноятчилик мамлакатлараро муносабатларга раҳна солиши ва бошқа муаммоларни яратиши, қолаверса, экстремизм ва мутаассибликнинг кучайишига сабаб бўлиши мумкин. Ҳамдўстлик доирасида унга қарши олиб борилаётган ҳамкорликдаги кураш шунинг учун ҳам долзарбдир.

Мажлисда таъкидланганидек, МДҲ мамлакатлари ички ишлар вазирлари кенгаши фаолияти тобора яхшиланиб бормоқда. Жиноятчиликка қарши кураш борасида ўзаро ахборот алмашиш яхши йўлга қўйилган, биргаликдаги саъй-ҳаракатлар фаоллашмоқда ва энг муҳими, муаммога муносабат бир хил.

Анжуманда 2000 йилгача бўлган давр ичида МДҲ мамлакатлари ҳудудида уюшган жиноятчилик ва жиноятнинг бошқа хавфли турларига қарши кураш чора-тадбирлари тўғрисидаги давлатлараро дастур ҳамда ички ишлар вазирлари кенгаши томонидан 1996 йилда қабул қилинган террорчиликка қарши кураш борасидаги ҳамкорлик ҳақидаги қарорнинг бажарилиш масаласи кўриб чиқилди. Шунингдек, МДҲ мамлакатлари ички ишлар органлари ўртасида ўзаро ахборот алмашувни яхшилаш масаласи, Ҳамдўстлик мамлакатларида уюшган жиноятчиликка қарши кураш борасида эришилган натижалар тўғрисидаги статистик кўрсаткичлар рўйхатининг лойиҳаси муҳокама қилинди.

Кенгаш мажлиси 4 июнь куни ниҳоясига етади.

**(ЎзА)**

БУГУННИНГ ГАПИ

## ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҚЎЛИ «ЕЧИЛДИ»

**Жаҳон тажрибасига назар ташласак, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантирмай туриб, иқтисодий ўсиш, ишсизлик даражасининг пасайиши ва аҳолининг даромадлари ошишига эришган бирор мамлакатни учрата олмаймиз. Шу боис бизда ҳам кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш — устувор вазифалардан бири, деб эълон қилинган.**

Бироқ, таассуфлар бўлсинки, мамлакатимизда бу борада бир қанча қонуний ҳужжатлар қабул қилинган, кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган инфратузилма ташкил этилган бўлса-да, ишда жиддий силжишлар юз бермаётир. Аксинча, кичик корхоналар моддий-техника ва хомашё ресурсларининг кўпгина турларини топишда қийналмоқда. Тижорат банклари эса кичик бизнес учун узоқ муддатли кредит бериш билан амалда шуғулланмаяптилар. Бунга барҳам беришнинг йўли борми?

1998 йилнинг 9 апрелида Президентимиз «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди. Куни кеча эса матбуотда ушбу Фармонни бажариш юзасидан ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш ва мувофиқлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори эълон қилинди.

Бу қарорнинг мазмун-моҳияти нималардан иборат? Ундан тадбиркорлар қандай наф кўрадилар?

Аввало, шуни таъкидлаш керакки, бундан буён тадбиркорлар кичик ва ўрта бизнес субъектларини ташкил этиш, рўйхатдан ўтказишда ҳеч қанақа тўсиқларга дуч келмайдилар. Сабаби, қарорга кўра, уларнинг фаолияти тартибини мураккаблаштирувчи идоравий ҳужжатларни чиқариш, ҳукумат қарорларида назарда тутилмаган қўшимча маълумотлар ва ҳужжатларни талаб қилиш тақиқлаб қўйилди. Бундан ҳам муҳими, энди тадбиркор ўзини ҳеч қачон ёлғиз деб ҳисобламайди. Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича белгиланган вазифаларнинг амалга оширилишида давлат бошқаруви органлари, кредит-молия муассасалари, суғурта ташкилотлари, шунингдек, ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар ҳам масъулдирлар.

Фақат шугина эмас. Давлат ҳокимияти маҳаллий органлари, вазирликлар, идоралар ва тузилмаларнинг фаолиятига баҳо беришда уларнинг кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликнинг ривожлантирилишига қанчалик самарали кўмаклашаётганликлари ҳам ҳисобга олинади.

Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар ҳудудий палаталари ҳузурида эса хўжалик ҳисобидаги кичик ва ўрта тадбиркорликни ахборот-маслаҳат билан қўллаб-қувватлаш маркази ташкил этилади.

Булардан ташқари, кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари буюртмаларини шакллантириш ҳамда хорижий кредит линияларига танлов асосида киритиш учун республикамиз минтақаларида 1998 йилнинг сентябри — 1999 йилнинг февралида чет эл технологиялари ва ихчам асбоб-ускуналарининг кўргазма-тақдимотлари ўтказилади.

Лойиҳаларни танлаб олиш ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш учун хорижий кредитлар бериш тартибига кўра эса, кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари томонидан бу кредитлардан ўз вақтида ва мақсадли фойдаланилаётганини тижорат банклари назорат қилиб борадилар.

Савол туғилиши мумкин: мабодо хорижий кредитларни олиш шартларини бажариш учун зарур бўлган маблағ етишмаса, тадбиркорларга ким ёрдам беради? Бу масаланинг ечими ҳам қарорда кўзда тутилган. Яъни ана шу маблағнинг бир қисми Бизнес-фонд томонидан тўлдирилади. Шу билан бирга, кичик ва ўрта бизнес субъекти томонидан хорижий кредит линияси бўйича гаровни суғурталаш юзасидан суғурта мукофотининг 50 фоизини ҳам суғурта компанияларига Бизнес-фонд, Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўлайдилар.

Хорижий кредит линияларининг ваколатли ижрочи банкларига кичик ва ўрта бизнес субъектида гаров таъминоти етарли бўлмаган тақдирда-чи? Бундай ҳолатда келгуси ҳосил учун фьючерс шартномаларини ёки кредит ҳисобига сотиб олинган асбоб-ускуналар билан ишлаб чиқарилган маҳсулотни, кредит ҳисобига сотиб олинган, кейинчалик «Кимошди» савдосида сотиладиган ёки ўзининг гаров эгаси ҳуқуқини сотиш чоғида лизингга бериладиган хорижий ихчам асбоб-ускуналарни гаров сифатида қабул қилиш мумкин.

Қарорда, шунингдек, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва Ўзбекистон банклар уюшмасининг тижорат банклари томонидан кичик ва ўрта корхоналарга хорижий кредит линияларини киритиш учун инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва танлаб олиш бўйича бепул хизматлар кўрсатилиши тўғрисидаги ташаббуслари маъқулланди.

Кўриниб турибдики, бу қарор тадбиркорликни ривожлантириш, кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш йўлида қўйилган яна бир муҳим қадамдир.

Бошқача айтганда, тадбиркорларнинг олдида турган тўсиқларга барҳам берилиб, уларнинг «кишанланган қўллари ечилди», эмин-эркин фаолият кўрсатишларига кенг йўл очилди.

Бўш келманглар, тадбиркорлар!

**И. ЎТБОСАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

Кеча, 2 июнь куни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов Ўзбекистонга ташриф буюрган ЕХҲТнинг кам сонли миллатлар ишлари бўйича Олий комиссари Макс ван дер Стул жанобларини қабул қилди.

Илиқ ва дўстона вазиятда ўтган суҳбат чоғида Парламент Раиси юқори мартабали меҳмонга Олий Мажлиснинг тузилиши ва фаолияти тўғрисида, депутатларнинг қонунчилик иши ҳақида сўзлаб берди, тили, ирқи, диний эътиқоди ва бошқа тафовутларидан қатъи назар, Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатлар вакилларига яшаш, ишлаш ҳамда ўқиш учун эркин ва тенг ҳуқуқли шароитни кафолатловчи мустаҳкам ҳуқуқий база яратиб бераётган қонунларга тўхталди. Кўп жиҳатдан шунинг шарофати билан республикада тинчлик ва осойишталик сақланиб турибди, барқарорлик ва хавфсизлик самарали тарзда таъминланмоқда.

Макс ван дер Стул жаноблари фуқаролар ҳуқуқларига риоя этиш, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш, миллий гуруҳларнинг маданий эҳтиёжларини қаноатлантириш муаммоларини ҳал этиш, инсоний мезонлар соҳасидаги мажбуриятларни бажариш юзасидан Ўзбекистонда олиб борилаётган ишларга юксак баҳо берди.

Суҳбатдан сўнг ЕХҲТ Олий комиссари ва унга ҳамроҳлик қилаётган кишилар Олий Мажлис биносини, унинг залларини кириб кўрдилар, депутатларнинг иш шароитлари билан танишдилар.

Юқори мартабали меҳмон Олий Мажлисда бўлган вақтида унга ЕХҲТнинг Марказий Осиё билан алоқалар бўйича Бюроси бошлиғи жаноб Ганчо Ганчев ҳамроҳлик қилди.

"Ла Либр Бельжик":

## Ўзбекистон — дунёвий давлат

Биз — Ўзбекистондамиз. Бу ердан икки юз километр нарида Афғонистон ҳудуди — дастлаб маҳаллий ўзбеклар, кейинчалик мавжуд толиблар тасарруфида бўлган жойлар бошланади. Бу ерда шариат қонунларига мувофиқ, аёлларнинг бошдан-оёқ паранжига бурканмай кўчага чиқиши, мусиқа тинглаш, жонли мавжудотларнинг суратини чизиш ва суратга олиш тақиқланган.

Буюк Ипак йўлида жойлашган афсонавий шаҳар — Самарқанд бозорларида эса, ўзингизни бошқа сайёрада юргандек ҳис этасиз. Бу ерда ҳар қадамда аёлларни учратишингиз мумкин. Улар майин табассум қилишади, кўйлаклари эса камалак рангида товланади. Сайёҳлар уларни суратга туширар экан, чинакам меҳмондўстлик ва хушфеъллик нима эканини билиб қайтишади.

Бу — Ўзбекистон дунёвий давлат эканлиги туфайлидир.

"Биз аждодларимиз эътиқод қилган динни ҳурмат қиламиз, ислом биз учун маънавий куч манбаидир", — деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикасининг Президенти (ота-онаси унга Ислом деб исм қўйган). — Лекин бу ўлкада ҳеч қачон ислом давлати бўлмаган. Ҳатто буюк Темур даврида ҳам юртимиз дунёвий давлат ҳисобланган. Биз бу ерда диний маҳдудлик тарқалишига ҳеч қачон йўл қўймаймиз. Бундай хавф мавжуд, албатта, лекин бундай хавфга қарши қандай курашиш лозимлигини яхши биламиз".

СССР парчаланиб кетганидан сўнг минтақавий рақобат ва Афғонистон таъсири шароитида қўшни Тожикистонда собиқ коммунистлар билан Покистон ва Эрон қўллаб-қувватлаб турган турли мазҳабдаги ислом гуруҳлари ўртасида фуқаролар уруши авж олиб кетди. Бу уруш Марказий Осиё хавфсизлигига асосий таҳдид ҳисобланади. Бундан ташқари, Россиядаги айрим кучларнинг минтақада тартибни сақлаб туриш баҳонасида ўз таъсирини қайта тиклаш, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) доирасида ўз қонунларини ўрнатиш ва бу минтақани ҳарбий-сиёсий иттифоққа айлантириш истаги ҳали мурғак, бинобарин, анча мўрт бўлган собиқ совет республикалари учун хатарнинг қўшимча омилидир.

Беларуснинг (собиқ Белоруссия) ўз Президенти Александр Лукашенко ташаббуси туфайли Москва билан келишиш мўъжизаларини кўрсатаётганини истисно қилганда ҳам, собиқ СССРнинг яна бир нечта республикаси ўз ҳудудий манфаатлари бар-

(Давоми 2-бетда).

